

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 24-iyun • Payshanba • 74 (31.194) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## ЎРТА ОСИЁДА, ЧАМАСИ, КЕНГ КЎЛАМЛИ УРУШНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ. БУ ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВНИНГ ХИЗМАТИДИР

■ Сўнгги ойлarda Қирғизистонда рўй берган воқеалар мамлакат ичкарисиди, бутун Марказий Осиё минтақасиди, қолаверса, бутун дунёда ким аслиди ким эканини аниқ кўрсатиб берди. Ҳар бири ўз билганича мамлакатни мана шу аҳволга олиб келган қирғизистонлик барча тоифадаги сиёсатчиларнинг тўла ва шармандали тубанликка юз тутгани ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳолати йўқ. Уларнинг нима қилиб бўлса ҳам, ҳатто юзлаб ва минглаб қурбонлар эвазига ҳокимият кемасига илиниб олиш йўлидаги уринишлари манфур сурбетликдан бошқа нарса эмас. Содир этилган фожияли воқеалар жараёнида кўшни давлатлар, бутун Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) раҳбарлари ҳам ўзини кўрсатди, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотидек (ОДҚБ) мутлақо фойдасиз ва таъсирсиз ташкилот ҳақида гапирмаси ҳам бўлади.

Буюк давлатларнинг бу воқеаларга нисбатан ҳар сафар ўзгариб, турлиниб борган муносабатлари ва сиёсий ҳаракатлари ҳам кишини ажаблантирди. Амалда эса бу мусибатли кунларда улар бизни сойтишди, барча воқеаларга ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишди. Оқибатда шундай тасаввур ҳосил бўлдики, дунёда ҳақиқий буюк давлатлар қолмаган, фақат манфаатпараст, ўзини ўйлайдиган, ҳамма ерда фойда ва фақат фойдани кўзлайдиган давлатларгина қолгандек.

Бу воқеаларга Ўзбекистоннинг расмий позицияси хайрат ва ҳақиқий ҳурмат уйғотди. Бутун Марказий Осиёдаги вазият кўп жиҳатдан минтақадаги етакчи давлат бўлган мана шу мамлакатнинг саяё-ҳаракатларига боғлиқ. Яқинда Қирғизистон жанубида содир этилган хунрезликдан қирғизлар ҳам, ўзбеклар ҳам жабр кўрди, Роза Отунбоева таъкидлаганидек, этник можаро «барча чегаралардан чиқиб кетди. Бу фитна анчадан буюн пухта тайёрланиб, етилиб келатган эди. Яқинда Ўш шаҳри атрофида амалга оширилган «тозалаш» натижалари буни аниқ кўрсатди. Бу ҳақда ҳали кўп ёзилади, гапирлади ва таҳлиллар бўлади. Бирок, июнь ойининг машўм кунлари Марказий Осиё, айниқса, унинг биз эски совет одади бўйича Урта Осиё деб атайдиган стратегик муҳим минтақасида қандай дахшатли портлаш кучига эга потенциал яшириниб ётганини юзага чиқарди, холос.

«Бундай қонли фожия ҳақида эшитиш, кузатишнинг ўзи бир азоб, — деди Ислам Каримов яқинда қадимий Бухорога сафари чоғида. — Қон тўкиш, бегуноҳ одамларни, мурғак гўдакларни, ҳомилалар аёлларни ўлдириш, ярадор қилиш — бу ваҳшийликдан бошқа нарса эмас. Бундай қонли жиноятларнинг тагига етиб бориб, уларга қонуний баҳо берилишига ишонманам. Фожиянинг сабаблари ҳақида гапирганда, — деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари, — мен қонга — қон, жонга — жон, деган қарашга қаршиман. Нафақат қаршиман, балки шундай фикр билан юрадаганларни халқимизнинг душмани, деб биламан. Бугунги мурғак шаҳарда оғоҳлик, сезгирлик, вазминлик ҳар қачонгидан кўра муҳим».

Ислам Абдуганиевичнинг фикрича — балки бу масалада у ҳаммадан кўра кўпроқ маълумотга эгадир — юз берган фожияга қирғиз халқи ҳам, у ерда яшаётган ўзбек миллати ҳам сабабчи эмас. Бу четдан туриб ташкил қилинган ва бошқарилган кўпо-

рувчилик ҳаракатларидир. Кўпуровчиликни ташкил қилган кучлар бу тўқнашувга Ўзбекистонни ҳам кўшиб қўйишга, юз бераётган воқеаларни ўзбек ва қирғиз этник гуруҳлари ўртасидаги можаро сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган.

И.Каримовнинг қуйидаги сўзлари кўшни қардош мамлакат раҳбари сиймосида ҳақиқий раҳнамо ва буюк сиёсатчини эътироф этишга ундайди: «Биз буюк халқимиз, асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган қирғиз халқи билан ўзимиз тил топамиз, бу можароларни ечишга ўзимизнинг қурбимиз, ақлимиз ва тажрибамиз етади».

Мен ўз сиёсий фаолиятимда жуда кўп нарсаларни кўрганман, лекин Ислам Каримовнинг бу сўзларини кўзга кўринадиган барча жойларда ёзиб қўйиш керак, деб ҳисоблайман. Бу том маънода бебаҳо ва буюк сўзлардир. Ўзбекистондек ажойиб ва қадим мамлакат раҳбарига муносиб сўзлардир.

Агар Ўзбекистон Президенти узоқни кўра биладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳиссиётини жиловлай оладиган раҳбар бўлмаганида, лоақал бирорта ўзбек аскари Қирғизистон чегарасини кесиб ўтганида биз шу заҳоти нафақат кенг кўламли этник, балки давлатлараро тўқнашув домга тортилган бўлур эдик. Ва бу тўқнашув оқибатда чинакам урушга айланиб кетиши мумкин эди...

Ўзбекистон айнан Ислам Каримовнинг раҳбарлигида шунча йил давомида — келинг, ҳеч бўлмаса бундан энди эътироф этайлик — худудий яллитлик ва сиёсий барқарорлик билан, умуман олганда, муваффақият билан ривожланмоқда. Иродали, қатъиятли ва, биз бугун кўриб турганимиздек, донишманд раҳбарнинг саяё-ҳаракатлари туфайли шундай ютуқларга эришмоқда.

Ҳа, бизнинг ўта мурғак минтақамизда кенг кўламли можаро, балки урушнинг олди олинди. Ва бу, тақдор айтиман, аввало, Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хизмати. Қирғиз-ўзбек можаросидаги портлаш кучига эга бўлган ушбу вазиятда Ўзбекистон Президенти гоё оқилона ва донолик билан иш тутди билди. Бу эса ўз кадр-қиммати билан билдирган ва хурматга сазовор мамлакат раҳбарига муносиб фазилатдир.

**Осмомакун ИБРАИМОВ,**  
Қирғизистон Республикасининг  
соқиб давлат котиби  
(2000-2005), профессор.

«Белый Парус», 2010 йил 23 июнь  
(Қирғизистон Республикаси)



Эйдилулла НОРМУРДОВ олган суратлар.



## Кучли жамиятни шакллантириш

партияларнинг сиёсий майдондаги фаол ҳаракатига ҳар жиҳатдан боғлиқ

### ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Инсон дунёга келиб, нимани орзу қилади? Аввало тинчлик, хотиржамлик, силаси бут, имкониятлари, қобилиятини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитлар бўлишини истайди. Ҳаётий эҳтиёжларини қондиришнинг мақбул механизмлари яратилишини хоҳлайди. Бундай эзгу ниятларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

Мамлакатимизда халқимизнинг ана шундай минг йиллар давомида яшаб келатган истиагини амалга оширишни мақсад қилганмиз. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси замирида ана шу олижаноб ҳаракатларимиз мужассам. Зеро, фақат фуқаролик жамиятидагина инсон тўлиқ камол топиши учун барча омиллар мавжуд бўлади. Бундай жамиятни барпо этишда эса сиёсий партияларнинг ўрни бекиёсдир.

→ 2



Қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрининг муаззам манзилларидан бири Регистон майдони кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида тобора чирой очмоқда.


Регистон майдонига туташ Панжакент кўчасида миллий ва замонавий меъморчилик аъёнлари асосида кўркам бинолар қад ростлади. Диаметри 15 метрлик фаввора майдон кўрмага кўрк кўшмоқда. «Континент» супермаркети аҳоли ва сайёҳлар хизматида.

Регистон майдони — Сиёб бозори йўналишида 15 ўринли электромобиллар қатнови йўлга қўйилди.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (Ўза) олган сурат.

2007 йили барқарор иқтисодий ўсиш (9,5 фоизга) таъминлини, аввало, итқисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, банк тизимидаги, хусусан, аҳолининг бойиш манбаларидан бири бўлган омонатлардаги депозитлар фоизини ошириш, уй-жой-коммунал хўжалигидаги таркибий ислохотлар натижасидир. Қолаверса, йирик sanoat, коммуникация, инфратузилма объектларининг барпо этилиши, миллий транспорт коммуникациялари ягона тизимининг тақомиллаштирилиши бунга мустаҳкам замин яратди.

→ 2



2001 йилда ЯИМ ҳажми 2000 йилга нисбатан нафақат 4,5 фоизга ўсди, балки 1991 йилдаги каби ўсиш 103 фоизни ташкил этди. Бу ўша пайтда МДҲ давлатлари орасида биргина Ўзбекистонга тегишли кўрсаткич эди.

→ 2

Сованинг катта-кичиги бўлмайди. Асосийси эътибор, ҳамма яхши ишларнинг дебачаси ана шундан бошланади.

→ 3

Мен учун янги тувилган чақалоқнинг «инга»сидан тотли овоз йўқ. Уларни меҳримизга қўшиб йўрғаклаймиз...

→ 3

Қўллариди кучоқ-кучоқ гулдасталар, қўзлариди совинч ёшлари ила фарзанди томон талпинаётган ота-оналарни кузатиб ҳаяжонга тушасиз.

→ 4

GAZETALARIMIZGA  
ЙИЛНИНГ  
ИККИНЧИ ЯРМИ  
УЧУН ОБУНА  
ДАВОМ ЭТМОҚДА!  
ВАҚТНИ БОЙ  
БЕРМАНГ!



ОБ-ҲАВО 24-25.06.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	38°	39°
Самарқанд	39°	40°
Нухус	38°	39°
Қарши	40°	41°
Урганч	38°	39°
Навоий	38°	39°
Фарғона	36°	37°
Бухоро	39°	40°
Андижон	36°	37°
Наманган	36°	37°
Термиз	41°	42°
Жиззах	37°	38°
Сирдарё	37°	38°
Тошкент вил.	38°	39°

Лондон	26°	27°
Париж	31°	33°
Москва	22°	24°
Мадрид	33°	35°
Пекин	26°	28°
Гонгконг	32°	33°
Рим	31°	30°
Анкара	30°	32°
Токио	26°	27°
Стокгольм	22°	24°
Кейптаун	24°	25°
Қоҳира	34°	33°
Гавана	41°	41°
Вашингтон	31°	30°

O'zbekiston havo yo'llari

**TOSHKENT**  
XALQARO  
AEROPORTI

Хавфсиз йўлларимиз




Хорижда

Агар қарз тўланмаса

«зангори олов» узатиш тўхтатилади

Беларус президенти Александр Лукашенко Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан учрашувда агар Россиянинг «Газпром» компанияси Беларус Республикасига 260 миллион долларлик қарзини тўламаса (транзит ҳақи), компаниянинг республика ҳудуди орқали тортилган қувурлардан Европа Иттифоқига етказиб бераётган газ оқимига тўсиқ қўйишга, яъни газни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлишини билдирди.



Шу билан бирга, республиканинг «Газпром» олдидаги 192 миллион долларлик қарзини (ёниги импорти учун) яқин кунларда тўлашини, бунинг учун бошқа республикалардан қарз олганини таъкидлади.

«Новости» АА маълум қилишича, ўтган йили Беларус ўз эҳтиёжлари учун Россиядан 17,6 миллиард кубометр газ сотиб олган. Жорий йилда бу рақам 21 миллиард кубометрга етиши мумкин. Беларус ҳудуди орқали эса Россия Европа Иттифоқига ўтган йили 44 миллиард кубометр газ етказиб берган.

21 нафар маҳбус

қамоқхонадан қочди

Қозғоғистоннинг Мангистов области маркази бўлимиш Ақтовдаги қамоқхонадан 21 нафар маҳбус қочиб кетди, дея хабар беради «Новости-Казахстан» АА.




«Лада» маҳаллий газетасида чоп этилган хабарда қайд қилинишича, маҳбуслар қочишига қамоқхона ташқарисидagi ҳамкорлари ёрдам берган, яъни улар қамоқхона қорувларини ўққа тутган. Натижада қорувлардан бири яраланган.

Хозир шаҳар ички ишлар бошқармаси кучайтирилган тартибда қидирув ишлари олиб бормоқда. Қидирув натижалари ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмапти.

Қизамиқнинг Африкага қайтиши

ҳақида огоҳлантирди

Ўтган йилнинг охири ва жорий йилнинг бошларида Африка қитъасининг 30 та мамлакатда қизамиқнинг авж олганлиги кейинги 20 йилда биринчи марта кузатилганди.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, шу давр мобайнида қатъан 64 мингдан ортиқ кишининг касаллигига чалинган расмий қайд этилди. Шундан 1188 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмди. Уларнинг асосий қисми 5 ёшгача бўлган болалар эди.

Ачинарлиси шуки, «Чегара билмас шифокорлар» халқаро ташкилотининг қизамиқ касаллиги бўйича мутахассиси Флоренс Фермоннинг огоҳлантиришича, бу хасталик Африка қитъасида яна қайта тарқалиши мумкин. Бу эса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2015 йилгача қитъани қизамиқдан бутунлай холи ҳудуд қилиш дастурининг амалдаги ихроси тўлиқ баҳарлигини хавф остида қолдиради.

Ўтган йил охири ва жорий йилнинг бошларида Буркина-Фасода (54 мингдан ортиқ киши қизамиқга чалинган), Малавида (9 минг кишида қайд этилган) ва Чадада (8 минг киши атрофида) касалликка чалинганлар энг кўп қайд этилган.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бутунги кунда Африка қитъасида қуролли тўқнашувлар кўп содир бўлаётгани ва нотинчлигини ҳамда айнан касаллик тарқалган ҳудудлар эса нисбатан тинч улкалар эканлигини кўрсатмоқда. Маҳаллий маъмуриятларнинг бу масалага эътиборсизлиги эса касаллик яна қайта «бош кўтариши»га сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Давранинг икки тарафидан ярим юрак кўтарган она ва қизалоқ кириб келади. Улар бир-бирига интилади. Аммо онанинг бағрига отилишдан олдин қизалоқ гоҳ ўйланади, гоҳ орқага тисарилади. Лекин барибир, меҳр уларни бирлаштиради, она қизалоқни бағрига олади, иккита ярим кўнгил бирлашиб, бутун юракда «SOS» ёзуви пайдо бўлади.

Биз ўн ёшдамиз!



SOS болалар маҳалласининг каттаси ҳам, кичиги ҳам фахр билан шу гапни айтишди

Она-бола ўз тақдирини кўрсатиб берди. SOS онани кузатдим — байрам охиригача, ҳатто совға олгани саҳнага чиққанида ҳам кўз ёшларини тилмади. Унинг ўз ҳаёти кўз ўнгидан бир-бир ўтгани аниқ. Бу ҳолат барчани гоҳ ҳаяжонлантирди, айни пайтда «SOS Kinderdorf international» тамойилларини ҳам англади — кўнгли ярим фарзандсиз аёллар, ота-онасиз қолган болалар бу масканда бутун тақдирларни яратди.

Байрамонга безатилган маҳаллада шодон овозлар ҳар қачонгидан баландроқ янгради — кўшни маҳаллалардан, SOS болаларнинг ўқиш жойларидан келган дўстлари, ўз чиқишлари билан даврага фазз киритиб турли болалар гуруҳлари аъзолари қувонгача шерик бўлди.

Масъум қалблар қувончи байрамга ташриф буюрган катталарнинг юзида ҳам акс этди — болалар даврасида бола бўлмай иложингиз йўқ. Шунинг учун ҳам табрик сўзлари содда ва самимий, ҳаммага тушунарли бўлди.

Бола ўз кайфиятини яшира олмайди, — деди «SOS Kinderdorf international» халқаро хайрия ташкилоти худудий директори Седлар ЗДЕНКО. — Унинг чехрасида ё қувонч ёки ҳам акс этиб туради. Мен бу ердаги болаларнинг чехрасида кулгунни кўриб, Ўзбекистон давлати ва ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши туфайли ташкилотимизнинг қаровисиз қолган болаларни асрашининг ўзига хос тамойиллари мамлакатингизда мустаҳкам қарор топганидан жуда хурсанд бўлдим.

Биз доим Сизнинг хизматингизда, болаларим, — деди Мирзо Улугбек тумани ҳокими Шавкат Эргашев.

Пахлавон Маҳмуд юртидан маҳалла боғчаси учун рамзий совға — гилам олиб келди. Жажжилар югуриб тўздиришди, улар баркамол бўлиб етишсинлар, кураги ҳеч қачон ерга тен-



масин, — деди тadbирнинг яна бир меҳмони, Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари, сенатор Шакаржон Хўжаниёзова.

Тadbир боис SOS болалар маҳалласининг «Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармалари каби доимий ҳомиёлари қаторига янгилари қўшилди.

Бу ерга бутун биринчи марта келдик, — дейди «Дойче кабель АГ Тошкент» корхонаси иқтисодий масалалар бўйича директори Саидқабар Насриддинов. — Амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, очиги, гоҳ тўқнашдик.

Сўхбатдошимизнинг гапидан англадикки, бу ташриф сўнгиси бўлмади.

Асли андижонликман, — берилиб концерт томоша қилаётган Жамила ая ўзини таништирди. — Гулбаҳор қизим шу ерда оналик қилади. Унинг саккиз фарзанди, яъни набираларим мени байрамга тақлиф қилишганди.

Онахонинг гапларидан фахр ва қизининг тақдирдан мамнунлики ўқиб қийин эмас эди. Дарвоқе, байрамда Гулбаҳор ва маҳалла ташкил топганидан буён ишлаётган бошқа SOS оналар — Пардохол, Санобар, Муяссар, Гулбарчин «SOS Kinderdorf international» халқаро хайрия ташкилоти логотипи туширилган тилла узук билан тақдирланди.

Совганинг катта-кичиги бўл-

майди. Асосийси эътибор, ҳамма яхши ишларнинг дебосчаси ана шундан бошланади. Тақдир тақозоси билан ота-онасиз ёки қаровисиз қолган болаларга давлатимизнинг, жамиятнинг гамхўрлиги туфайли улар кам-кўстисиз воғга етаяптилар.

Кўшни маҳаллада яшайман, — дейди байрам иштирокчиларидан яна бири Наталья Янкина. — 14-муҳри мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Бўш пайтларимда SOS болалар маҳалласига келиб тураман. Муסיқига қўбилиятли болаларни аниқлаб, улар билан шуғулланаяман.

Наталья Михайловнанинг гаплари ҳар бир бола тақдири учун дахлдорлик туйғуси билан яшаётган инсонлар ораимизда кўп эканини англади.

Бундан ўн йил олдин SOS болалар маҳалласи қурилганида гир атроф қуруқ майдондан иборат эди, — деди SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси бошқаруви раиси Танзила Норбоева. — Бутун бу ер обод маскан, сўлим гўша, боғларга айланди. Бу ерда тарбия топган болалар эртага ўз оиласини, Ватанини обод қилдилар. Ҳа, меҳр ва гамхўрлик жавобсиз қолмайди. Меҳр кўрган инсонлар уни жамиятга, одамларга қайтардилар.

Шарофат Йўлдошева, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Чақалоқларни меҳр-ла йўргаклаймиз...»

— дейди Қарши шаҳар туғуруқ мажмуаси бош шифокори Салима Очилова

2010 йил — Баркамол авлод йили

Республикамизда она ва бола саломатлигини муҳофазалашга катта аҳамият берилаяпти. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ҳам «Соғлом она — соғлом бола» дастурини изчил амалга ошириш белгилаб қўйилган. Ва бу вазифани адо этиш учун хайрли ишлар қилинаяпти.



Мажмуа ҳамшираси Барно Шомуродова.

Қарши шаҳар туғуруқ мажмуаси 205 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда 50 нафар малакали врач, 284 нафар ўрта, 198 нафар кичик тиббиёт ходими, 27 нафар акушер гинеколог, 14 нафар неонатолог, терапевтлар она ва болага тиббий хизмат кўрсатади.

Гинекология, жароҳлик, туғуруқ бўлимлари энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, жумладан, УЗИ, «КУБЕЗ» аппарати билан жиҳозланган.

— Мажмуамизда ойига 400-450 нафар соғлом чақалоқ дунёга келади, —

дейди бош шифокор Салима Очилова. — Жамоамиз она ва бола саломатлигини ҳимоялаш, тиббий хизмат самарадорлигини оширишда тиббий туғуруқ кўрсаткичларини ошириш учун курашаяпти. Кўрсаткичларимиз 90-95 фоизни ташкил этапти.

Зеро, туғуруқ мажмуасида она ва болага сифатли тиббий хизмат кўрсатишда акушер-гинекологлар — Дилафруз Раҳимова, Саодат Курбонова, Рустам Эшмирова, Раҳим Назаров, терапевт врач — Собира Курбонова, Исоҳ Мухаммадиев, реаниматолог — Оромой Салоҳиддинова каби ма-

лакали мутахассисларнинг хизмати катта. Жумладан, тажрибали жарроҳ Салима Очилова ўзининг 27 йиллик иш фаолиятида, эҳ-ҳе, қанча оналарнинг умрига умр қўшди, қанча чақалоқларнинг қил устида турган ҳаётини сақлаб қолди.

— Дунёда дуркун чақалоқларни бағрига босган онадан бахтли инсон бўлмайди, — дейди олий тоифали врач Салима Очилова. — Мен учун янги туғилган чақалоқнинг «ингасидан» тотли овоз йўқ. Уларни меҳримизга қўшиб йўргаклаймиз...

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

Вниманию коммерческих банков республики узбекистан!

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ «Toshkent Xalqaro Aeroporti»

«Toshkent Xalqaro Aeroporti»

объявляет два самостоятельных тендера на приобретение следующей специальной автомобильной техники для технического обслуживания ВС:

**Тендер №4:** — автобус перронный пассажирский, вместимостью 120-140 человек — 2 единицы.

— автобус пассажирский низкопольный, с количеством мест для сидения 40-45 — 1 единица.

**Тендер №5:** — буксировщик ВС со взлетной массой до 250 тонн — 1 единица.

Желательный срок поставки техники не более 90 календарных дней.

Тендеры будут проводится 27-31 июля 2010 года.

Заявки на документацию (тех-

ническую и коммерческую часть) по обоим тендерам будут приниматься до 5 июля 2010 г.

Прием тендерных предложений — до 17-00 час. Ташкентское время 23.07.2010 г. включительно. Пролонгация сроков приема не будет.

На каждый тендер представляется своя заявка и отдельный пакет документов согласно инструкции для участника тендера.

Желающих предложить свои услуги просим прислать по E-mail sarergu@1950@mail.ru или по факсу 8-10-99871-140-28-48 официальную заявку (на фирменном бланке

в произвольной форме, заверенную печатью организации) на получение тендерной документации.

В заявке просим указать, на продажу конкретно какой техники вы претендуете.

Инструкция и требования будут представлены на безвозмездной основе, по указанному вами в заявке электронному адресу.

Залог под участие в тендере не взимается.

Технику бывшую в эксплуатации, не предлагать.

Дополнительную информацию можно получить по телефонам: 8-10-99871-140-29-54 или +99890-187-62-19, спросить Семена Аркадьевича.

Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси UZBEKISTAN airways

ХАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИНИНГ АВИАКАССАЛАРИ

энди куйидаги манзилда жойлашган: Амир Темура кўчаси, 51 (Темирйўлчилар маданият саройи рўқарасида)

Маълумотлар учун телефон: (99871) 140-02-00

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ ПО ДЕМОНОПОЛИЗАЦИИ И РАЗВИТИЮ КОНКУРЕНЦИИ И ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ «RESPUBLIKA MULK - AUKSIONI»

приглашают вас на закрытые аукционные торги. На закрытые аукционные торги выставляется следующее предприятие

Наименование предприятия	Местонахождение	Стартовая цена (тыс.сум)	Минимальный размер инвестиций
ОАО «Шарип Зарипов», специализирующееся на птицеводстве	Хорезмская область, Ургенский район, поселок Чотқўпир	5 861 357, 00	3,5 млн. долл. США в течение 3 лет

Торги состоятся 5 июля 2010 года в 10.00 в здании Госкомимущества Республики Узбекистан по адресу: г. Ташкент, проспект Узбекистанский, 55.

Аукционные торги проводятся в соответствии с порядком реализации предприятий-банкротов коммерческим банкам на аукционных и конкурсных торгах, утвержденным Распоряжением Президента Республики Узбекистан от 19 ноября 2008 года №Р-4010 и протокольными поручениями Республиканской комиссии по реализации экономической несостоятельности предприятий коммерческим банком №3 от 31 мая 2010 года.

Ознакомиться с предприятием на месте можно обратившись к ликвидационному управляющему предприятия (тел. 8-362-353-61-66) и представителям территориального управления Государственного Комитета по демополилизации и развитию конкуренции Хорезмской области (тел. 8-362-226-54-12) и г. Ташкента (тел. 239-05-87, 232-18-74).

Прием необходимых документов и заявок прекращается за один день до начала проведения аукционного торга.

Для участия в аукционе претенденты — коммерческие банки вместе с соглашением о задатке, которое заключается с организатором торгов до подачи заявки, должны предоставить следующие документы:

1. Заявку на участие в аукционе. 2. Копии учредительных документов. 3. Доверенность, выданную представителю коммерческого банка, оформленную в установленном порядке и копию паспорта. 4. Копию платежного документа, подтверждающего внесение задатка. Договор купли-продажи заключается в срок не позднее 10 дней после утверждения протокола о результатах аукционных торгов Комиссией. Покупатель приобретает право собственности на предприятие-банкрот после оплаты его полной стоимости, выполнения инвестиционных обязательств и государственной регистрации в установленном порядке.

К участию в аукционных торгах допускаются коммерческие банки, оплатившие сумму задатка в размере не менее 0,1 % от стартовой цены объекта на расчетный счет ГП «Respublika Mulk-Auksioni» в ЧОАКБ «InfibANK» 2021 0000 8045 3759 9001, МФО 01041, ИНН 206 761 326, ОКОНХ 84100

Данное объявление было ранее опубликовано в экономической газете «Биржа» №73 (1165) от 5 июня 2010 года.

За дополнительной информацией обращаться в ГП «Respublika Mulk-Auksioni» по адресу: г.Ташкент, проспект Узбекистанский, 55, здание Госкомимущества, 1-й этаж, правая сторона. Телефон: 239-83-82 Факс: 150-34-46 Email: info@mulk.uz



Тоҳир Норқуллов (ўса) олган сурат.

# Ватан ҳимояси — олий шараф ■ Осмонимиз мусаффо бўлсин...

■ Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртидаги битирув тадбири тантанавор руҳда ўтди.

— Навоийдан келдим, — дейди 80 ёшли Рўзимурод Усмонов. — Неварам Назиржоннинг шодлигига шерик бўлиш, унга оқ йўл тилашни кўнглимга туккадим. Яратганга шукр, шу кунга етдим. Неварам юрт қорига яраганидан, унинг сарҳадлари дахлсизлигига муносиб ҳисса қўшаётганидан бошим осмонга етади.

— Қашқадарёнинг олис Нишон туманиданман, — дейди билим юртини «аъло» баҳолаб билан тамомлаган, офицерлик либоси қадду қомагига ярашиб турган лейтенант Музаффар Маматов. — Тўнғич фарзандман. Отам — ўқитувчи, онам — уй бекаси. Болалигимдан Ватан ҳимоясига бўлишни орзу қилардим. Бугун шу ниятга етдим. Шу кунги билим юртини муваффақиятли тамомлаган Музаффар сингари ўнлаб йигитларга офицерлик дипломи ва кўкрак нишонни тантанали топширилди. Тадбирда сўзга чиққанлар битирувчиларни қизғин қутладилар.

## Юрт тинчлиги ишончли қўлларда


Буни Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини битирган ёш офицерларнинг, боқишларидаги ўқтамлик, юз-қўзларида балқиб турган қатъият тасдиқлаб турибди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# Сувни тежаш формуласи

## XXI аср — интеллектуал бойлик асри ■

Жавлонбек Ишчанов 1989 йилда Хива шаҳрида туғилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг 4-курс талабаси. У Республика миқёсида ўтказилаётган илмий конференциялар ва фан олимпиадаларида фаол қатнашиб келади. Президент стипендианти.



Бугунги кунда у Хоразм вилоятида қишлоқ ҳўжалиги экинларини тежамкор суғориш тартиби ва технологияси мавзусида излашга олиб бормоқда. Мазлумки, Хоразмнинг тупроқ-иклим шароити республика миқёсининг бошқа вилоятларидан тубдан фарқ қилади. Воҳода саҳронинг континентал иқлими ҳукм суради. Йил бўйи ҳаммаси бўлиб 100 мм атрофида ёғингарчилик кутилади. Ёш тадқиқотчи сувни тежашнинг бир нечта усуллари устида илмий иш олиб бориб, синовдан ўтказди. Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, агар ер текисланмаса сув но-тектис оқади. Бунинг оқибатида суғориш ва шўр ювиш пайтида сув ортиқча сарфланади. Экин майдони текисланганда эса сув 25-30 фоиз иқтисод қилинади. Ҳосилдорлик 10-20 фоизга ошади. Тадқиқотчи масалага ма-

тематик ҳисоб-китоб билан ёндашиб, қуйидаги хулосага келди: P=pg, h Бунда «h» — ер текислигидан тупроқ юзасигача бўлган масофа (м), g=9,81 м/с<sup>2</sup> — эркин тушиш тезлиши, p=1000 кг/м<sup>3</sup> сувнинг зичлиги, «P» босим (ра). «h» ва «P» — бир-бирига тўғри пропорционал. Шу сабабли «h» қанчалик катта бўлса, «P» ҳам шунчалик катта бўлади. Бу эса ортиқча ишчи кучи. Сарф-харажат ортиб кетишига техник воситаларнинг ишдан чиқишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун эса «h» — 0 га интилиши керак. Бунда ер текислигидан тупроқ юзасигача бўлган масофа қисқаради ва экинларнинг бир хилда суғориш имконияти пайдо бўлади, вақт ҳам тежаланади. Жавлонбек тупроқ унумдорлигини ошириш борасида механик таркиби бўйича оғир бўлган тупроққа кум ёки қумлоқ тупроқлар қўшиш билан тупроқнинг сув ўтказиш физик хоссаларини яхшилаш, қумлоқ тупроқларга оғир лойли тупроқларни қўшиш орқали эса сув йўқолиши (шимилиши)нинг олдини олиш усули билан сув сарфини камайтириб, экинлар ҳосилдорлигини оширишни тадқиқ этмоқда. — Бугунги куннинг глобал муаммоси бўлган сувни тежаш борасида ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор масалалар бор, — дейди Жавлонбек. — Шу боис сув танқислигининг олдини олиш бўйича томчилик ва ёғинга олиб қўйиш усуллари билан батафсил танишаётман. Ниятим — олинган натижани ишлаб чиқаришга тавсия қилиш.

Абдуқалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# Омаддилар ва омадсизлар



■ Жанубий Африка Республикасида ўтказилаётган XIX жаҳон чемпионати баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Бирин-кетин гуруҳ босқичи учрашувларига яқун ясалиб, кейинги босқичга йўлланма олган жамоалар номи аниқ бўлмоқда.

Мусобақанинг «А» гуруҳида ўтган учинчи тур ўйинларидан сўнг, Уругвай ҳамда Мексика терма жамоалари плей-офф баҳсларида курашни давом эттирадиган бўлишди. Жумладан, охириги учрашувда бу икки мамлакат вакиллари ўзаро куч синашишди ва унда уругвайликлар 1:0 ҳисобида галаба қозондилар.

«В» гуруҳида учрашувлар охириги тургача шиддатли ва муросасиз кечди. Унда ҳар уч ўйинда ҳам зафар кўчган Аргентина терма жамоаси гуруҳда пешқадамликни кўлга киритди. Сўнгги учрашувда Диего Марадона шоғирдлари 2004 йилги Европа чемпиони Греция футболчиларига қарши майдонга тушдилар. Мазкур учрашувни ҳамюртимиз Равадан Эрматов юқори савияда

бошқариб борди ва унда аргентиналиклар рақиблари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди — 2:0. Гуруҳдаги иккинчи омадли жамоа номини аниқлаб берган ўйинда Нигерия — Жанубий Корея терма жамоалари ўзаро куч синашдилар — 2:2.

Энди қўрага кўра, плей-офф босқичида Уругвай — Жанубий Корея, Аргентина — Мексика терма жамоалари баҳр юритишди.

Кеча «С» ва «Д» гуруҳларида ҳам охириги тур баҳслари ўтказилди. Унда Словения — Англия (0:1), АҚШ — Жазиор (1:0), Австралия — Сербия, Гана — Германия терма жамоалари майдонга тушдилар.

Эркин ХОЛБОБО



Хали суд сўнгги ҳукми (у 10 йил ичиде уч марта судланган) шартлиликка алмаштирилганидан кўп ўтмай Д.Отажонова навбатдаги жиноятга кўл урди.

Бир неча бор судланган зангиоталик Қаллигул Тиллабеова ҳам жазоси шартлиликка алмаштирилиб, ўзини тўғри йўлга солиши учун имкон ва вақт берилган эди. Лекин унинг ҳам тавбаси беқор экан.


2009 йил октябрь ойи бошларида бу икки тавбаҳўр Тошкент шаҳрининг Отчопар бозорига гуё тасодуфан учрашиб қолди. Сўнг ҳўқуқлашдилар, режа туздилар. Қ.Тиллабеова Бўка бозоридеги бир таннишдан гиёҳванд моддани керагича топиб беришини, гиёҳванд савдосидан иккови ҳам мўмай пул ишлаб олишини эсладганида Д.Отажонованин мўқаддам қилган тавба-тазаррулари, юқори судларга қатнаб, жазони егиллаштиргани-ю, ўта хавфли рецедивист тамғасини олдириб ташлатгани ҳам унут бўлди...

Режага кўра, Қ.Тиллабеова 100 грамм героиннинг ҳар граммини ўн тўрт минг сўмдан ҳисоблаб, сотганидан сўнг пулини бериш шарти билан Боготта келиб Д.Отажоновага насияга қолдириб кетди. Қисқа мўддатда бу миқдор героин ўз миқдорларини топиб, мўмайгина фойда келтирди. Д.Отажонова дарров «Тошкент, қайдасан!» деб йўлга тушди. Шериклар яна Отчопар бо-

## 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунини

# Охири пушаймонлик иш...

■ Халқимиз ҳам, қонунларимиз ҳам кечиримли. Инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган сиёсатимиз негизда ҳам шундай қадим қадриятлар ётади. Богот туманида яшовчи Д.Отажоновага қора қилмишини қайта такрорла-маслик, ҳаётда ўз ўрнини топиб, бир этак фарзандни тарбияси билан шуғулланиш учун имкон ва вақт берилганини шу билан изоҳлаш мўмкин. Аммо...



Гиёҳвандлик одамзот бошига солаётган қулфатларни санаб адоғига етиб бўлмади. У ота-онани боласидан жудо этмоқда, оилаларни бузиб, саломатликка путур етказмоқда, инсон зотиға инсон келтирмоқда. Афсуски, мана шундай офатни даромад манбаи деб билган, қорадори сотиб тирикчилик қиладиган тоифа бор.

Нурота туманининг «Темирқоқ» қишлоғида иштирок қилувчи Бегзод Абдуқодиров ҳам шундай қабих йўлга кирди. Ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида унинг ёнидан оғирлиги 110 грамм бўлган героин гиёҳвандлик моддаси топилди.

Шунингдек, хатирчилик Барноқул Ботиров ҳамда Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи Руслан Зарофудинов 181,4 грамм марихуана гиёҳвандлик моддасини пуллаш учун манзилга бораётганида тўхтатибди.

Хайриятки, юқоридеги ҳолатларда «товар» кўзланган манзилга етмади, инсонлар ҳаётига, соғлиғига чанг солувчи оғу тарқамди. Афсуски, оғуфуруш савдоси ҳаминча ҳам шундай яқун топавермайди. Бунга аввало ўзимиз сабабчимиз. Шунга ўхшаш ҳолатларни қўриб, эшитиб баъзан кўрмаганга, эшитмаганга соламан. Ёки фарзандларимиз тарбиясига эътиборсиз қараб, оғуфурушларга янги «миқоз»лар тайёрлаб берамиз. Бу бало-қазога қарши бирлашиб курашсак, унинг офатидан ёшларни кўпроқ оғохлан-тирсак фалокатлар олди олинади.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси

ЎЗБЕК ХАЛҚ БАНКИ

Хўрматли юртдошлар!

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Сизга манфаатли шартларга асосланган «АНТИҚА» жамғарилувчи омонатини таклиф этади

«Антиқа» мўддатли омонатига маблағлар миллий валютада 2 ойдан 12 ойгача бўлган мўддатларга қабул қилинади.

Маблағларнинг омонатда сақланиши мўддатларидан келиб чиқиб, 2 ойга йиллик 24 фоиз, 4 ойга йиллик 25 фоиз, 6 ойга йиллик 26 фоиз, 8 ойга йиллик 27 фоиз, 10 ойга йиллик 28 фоиз ва 12 ойга йиллик 29 фоиз миқдорда фоиз даромадлари тўланади. Омонатта маблағлар Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНИ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Г — 549

13355 нўсхадан босилди

Т — Тўжорат материаллари

ISSN 2010-7633

О'за yakuni — 23.10

Topshirilgan vaqti — 01.00

2345

Sotuvda erkin narxda

<b>BOSH MUHARRIR:</b>	
Safar OSTONOV	
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>	
Abdulla ORIPOV	
Latif G'ULOMOV	
Bobir ALIMOV	
Sharbat ABDULLAYEVA	
Murodulla ABDULLAYEV	
Ulug'bek MUSTAFOYEV	
Tat'yana KISTANOVA	
(Bosh muharrir o'rinbosari)	
G'affor HOTAMOV	
(Bosh muharrir o'rinbosari)	
Muslihiddin MUHIDDINOV	
Andrey KUSTOV	
Ochilboy RAMATOV	
Saidahmad RAHIMOV	
<b>MUASSIS:</b>	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI	
<b>BO'LIMLAR:</b>	
<b>Partiya hayoti</b>	
2003-10-13	
<b>Madaniyat va sport</b>	
2003-69-45,	
<b>Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot</b>	
2003-20-36,	
2003-44-55	
<b>Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot</b>	
2003-12-56	
<b>Reklama va e'lonlar</b>	
2003-38-55,	
2003-47-80	
<b>Mas'ul kotib</b>	
2003-72-83,	
2003-55-17	
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>	
<b>Andijonda —</b>	
25-32-70	
<b>Buxoroda —</b>	
2003-06-02	
<b>Gulistonda —</b>	
25-46-45	
<b>Jizzaxda —</b>	
2003-48-35	
<b>Navoiyda —</b>	
2003-83-73	
<b>Namanganda —</b>	
2003-43-81	
<b>Nukusda —</b>	
2003-77-21	
<b>Samarqandda —</b>	
35-02-55	
<b>Urganchda —</b>	
517-30-58	
<b>Farg'onada —</b>	
2003-18-78	
<b>Denovda —</b>	
8-37641-23-780	
<b>MANZILIMIZ:</b>	
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.	
Navbatchi: Behzod SHUKUROV	
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi bo'lgan o'zbekiston davlati.	
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta sahifalari, poytaxt va shahar kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.	
G — 549	
13355 nuxsadan bostildi	
T — Tujorat materiallari	
ISSN 2010-7633	
O'za yakuni — 23.10	
Topshirilgan vaqti — 01.00	
2345	
Sotuvda erkin narxda	